

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “ 30 ” май №ПҚ-4348 “ ” 20 г.

Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Сўнгги йилларда республикада электротехника саноатини ривожлантириш, тармоқ корхоналари фаолиятини самарали ташкил этиш, юқори қўшилган қийматли электротехника ва электромаиший маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Электротехника саноатини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, тармоққа тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш, маҳаллий хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи, экспорт бозорларида рақобатбардош ва юқори қўшилган қийматли замонавий электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар электротехника саноатини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

ички бозор эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда **импорт ўрнини босувчи, энергия тежамкор, арзон ва сифатли электротехника ва электромаиший маҳсулотлар** ишлаб чиқариш;

мавжуд хом ашёни чуқур қайта ишлаш жараёнларига илғор технологияларни жорий этиш, **юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар** ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва диверсификациялаш;

электротехника саноати тармоғи ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ўртасидаги **ўзаро кооперация алоқаларини ривожлантириш** ва шу орқали электротехника саноатида ишлатиладиган **бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш** даражасини ошириш;

электротехника саноати тармоғига **сифат менежментининг замонавий усуллари ва халқаро стандартларни** жорий этиш, маҳаллий ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни халқаро талабларга мувофиқ сертификатлаштириш тизимини яратиш;

электротехника саноатида **янги турдаги истиқболли маҳсулотлар ишлаб чиқариш**, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни ва инновацион ғояларни жорий этиш.

2. “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган:

2019–2020 йилларда электротехника саноатини жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” (кейинги ўринларда “Йўл харитаси” деб аталади) 1-иловага мувофиқ;

2019–2021 йилларда электротехника саноати тармоғида амалга ошириладиган ва истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

2019–2021 йилларда электротехника саноати тармоғида маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш тавсия этилаётган маҳсулот турлари рўйхати 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига “Йўл харитаси”да назарда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

3. Электротехника саноатини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳи 4-иловага мувофиқ таркибда тузилсин ва унга қуйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

электротехника саноатида **мис ва бошқа хом ашё қайта ишлашни чуқурлаштиришга**, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўмаклашиш;

ишлаб чиқарилаётган электротехника ва электромаиший **маҳсулотлар таннархини ҳамда уни пасайтириш** имконини чеклаётган ҳолатларни таҳлил қилиш, маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ишларини ташкил этиш;

электротехника саноати тармоғига, шу жумладан маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларига **инновацион ишланма ва технологиялар жорий этилишини** таъминлаш;

“Йўл харитаси”да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши юзасидан тизимли **мониторинг ўрнатиш**;

хар ўн беш кунда амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ҳолати ва “Йўл харитаси”нинг бажарилиши юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.

Ишчи гуруҳига (Р.Гулямов) 2-иловага мувофиқ 2019–2021 йилларда электротехника саноати тармоғида амалга ошириладиган ва истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхатига, зарур ҳолларда, ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб бориш ҳуқуқи берилсин.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2019 йил 1 июлдан** бошлаб:

а) электротехника ва электромаиший маҳсулотларнинг давлат харидлари, шу жумладан давлат харидлари стратегик субъектлари томонидан амалга оширилишида **маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан 20 фоизгача нарх преференцияси қўлланилади**;

б) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектларни “тайёр ҳолда топшириш” шартлари асосида қуриш ёки реконструкция қилиш бўйича **тендер ҳужжатларида пудратчи томонидан республикада ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган электротехника ва электромаиший маҳсулотлар сотиб олиш** назарда тутилади;

в) электротехника саноати тармоғи корхоналари томонидан:

ўзлари ишлаб чиқарган электротехника ва электромаиший маҳсулотларни экспорт қилиш операциялари бўйича **муддати ўтказиб юборилган дебитор қарздорлик ҳосил бўлишини ҳисоблашнинг ягона муддати** божхона юк декларацияси расмийлаштирилган санадан бошлаб **180 кун** этиб;

ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун **технологик ускуналарни республикага олиб кириш ва “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимига расмийлаштириш ёки импорт контрактлари бўйича улар учун тўланган пул маблағларини қайтариш муддати** импорт контрактлари бўйича тўлов амалга оширилган кундан бошлаб **270 кун** этиб белгиланади;

г) кредит суммаси ва валюта туридан қатъий назар электротехника саноати тармоғи корхоналари томонидан **республикада ишлаб чиқарилмайдиган** электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий тижорат банкларидан олинadиган кредитларнинг эквиваленти **1 млн АҚШ долларидан ошмаган қисми бўйича фоиз харажатлари** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан **тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 50 фоизи миқдорида, лекин кредит ставкасининг 5 фоизлик пунктидан ошмаган миқдорда** икки йил мобайнида қопланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда “Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 февралдаги ПҚ–2772-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган “Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг **Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармасининг** (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағларини шакллантириш манбалари этиб қуйидагиларни белгилаш тўғрисидаги таклифи қўллаб-қувватлансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилadиган маблағлар;

халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар грантлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Жамғарма ҳисоб рақамига **2019–2020 йилларда тенг улушларда 20 млрд сўм миқдорида** маблағ ўтказиб берилишини таъминласин.

6. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан Жамғармага ажратилadиган маблағлар қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:

илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни молиялаштириш учун республикадаги илмий-тадқиқот муассасаларига ва электротехника саноати тармоғи корхоналарига **грантлар ажратиш**;

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарда **халқаро стандартларни жорий этиш**, маҳсулотларни чет эл бозорлари талабларига мувофиқ сертификатлаштириш тадбирлари билан боғлиқ харажатларнинг **50 фоизини**, лекин битта ҳолат бўйича эквиваленти **20 минг АҚШ** долларидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

старт-лойиҳаларини молиялаштириш, электротехника саноати тармоғида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарининг устав фондларини (капиталларини) шакллантиришда иштирок этиш, махсус инжиниринг марказлари ва тажриба-конструкторлик бюроларини ташкил этиш;

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида **бўш турган ва фойдаланилмаётган бино-иншоотларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш** ҳамда улардаги ташқи муҳандислик-коммуникация тизимларини яхшилаш;

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга тендер савдоларида иштирок этиш учун қисқа муддатга **молиявий кафилликлар бериш**;

электротехника саноати тармоғи корхоналарининг **халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиши** билан боғлиқ харажатларининг **50 фоизини**, лекин битта ҳолат бўйича эквиваленти **10 минг АҚШ** долларидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаш;

маҳаллий электротехника ва электромаиший маҳсулотларни илгари суриш бўйича **республикада ва хорижий давлатларда кўргазма ва ярмаркалар ташкил этиш, семинарлар ўтказиш, такдимот материаллари ва кўргазма стендларини тайёрлаш**.

7. “Ўзстандарт” агентлиги ва “Ўзэлтехсаноат” уюшмасининг 2019–2021 йилларда **электротехника саноати соҳасидаги халқаро стандартларни** қабул қилиш учун:

2019 йилда “Ўзстандарт” агентлиги ҳузуридаги Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси ҳисобидан **1,2 млрд сўм**;

2020–2021 йилларда Жамғарма маблағлари ҳисобидан тенг улушларда **2,4 млрд сўм** маблағлар ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **бир ой** муддатда электротехника саноатини жадал ривожлантириш дастури ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминласин. Унда 2019–2022 йилларда:

тармоқда **мисни қайта ишлаш ҳажмини 5 баравар** ошириш;

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар **ишлаб чиқариш ҳажмини 2 баравар** ошириш;

электротехника ва электромаиший маҳсулотлар **экспорти ҳажмини 4 баравар** ошириш;

амалга оширилаётган ва истиқболли инвестиция лойиҳалари доирасида камида **15 та янги турдаги маҳсулотлар** ишлаб чиқаришни ўзлаштириш назарда тутилсин.

9. “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналар **2022 йил 1 январга** қадар муддатга белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича ўзларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё, материаллар, бутловчи қисмлар ва асбоб-ускуналар бўйича божхона божлари тўлашдан озод этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда мис, полиэтилен, полипропилен ва электротехника саноатида ишлатиладиган бошқа **хом ашёлар биржа савдоларига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда барқарор қўйиб борилишини** таъминласин;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси ва маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда **2019 йил 1 сентябрга** қадар **Тошкент шаҳри, Фарғона вилояти ва республиканинг бошқа ҳудудларида электротехника саноатига ихтисослаштирилган индустриал-инновацион технопарклар ташкил этиш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан биргаликда:

2019 йил 1 августга қадар **Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом** лойиҳасини;

2020 йил 1 декабрга қадар Жамғарма маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ўрганган ҳолда уларни келгуси йилларда молиялаштириш юзасидан таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда **бир ой муддатда:**

республика ҳудудига электротехника ва электромаиший маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб кириш ҳолатларини ва уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни таҳлил қилсин;

илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда **республика ҳудудига маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб киришнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурини** ишлаб чиқсин ва унинг амалга оширилишини таъминласин.

13. “Ўзстандарт” агентлиги **2019 йил 1 августга** қадар:

республика ҳудудида контрафакт ва сифатсиз электромаиший маҳсулотлар реализация қилинишининг олдини олиш юзасидан илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда уларнинг **сифат ва хавфсизлик кўрсаткичларини таъминловчи намунавий синов дастурларини** ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

“Ўзэлтехсаноат” уюшмаси билан биргаликда техник ҳужжатларида, маркировкасида ва этикеткаларида **энергия самарадорлигининг тегишли класс**и тўғрисидаги ахборотларнинг мажбурий мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб татбиқ этиладиган четдан олиб кириладиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сотиладиган маиший электр приборлари рўйхатини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда қайта кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 3-иловага мувофиқ 2019–2021 йилларда электротехника саноати тармоғида маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш тавсия этилаётган маҳсулот турлари бўйича янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга қаратилган инвестиция лойиҳаларини шакллантириш, шунингдек уларни амалга ошириш учун салоҳиятли маҳаллий ва хорижий инвесторларни, биринчи навбатда, жаҳоннинг машҳур “бренд”ларини жалб қилиш;

“Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда электротехника саноати тармоғида амалга оширилаётган янги инвестиция лойиҳалари доирасида яратиладиган ишлаб чиқариш объектларида халқаро талабларга жавоб берадиган маҳсулотлар синов лабораторияларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 январдаги “Электротехника саноатининг экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш ва ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4090-сон қарорининг 5-банди учинчи хатбошидаги “2020 йилнинг 1 январига қадар” сўзлари “2022 йилнинг 1 январига қадар” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**2019–2020 йилларда электротехника саноатини жадал ривожлантириш бўйича
“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар	Муддати		Бажарилиши устидан назорат	
		бошланиш	тугаш	назорат учун масъул	кўриб чиқиш муддати
I. Ташкилий-амалий тадбирлар					
1.	2020–2030 йилларда электротехника саноатини ривожлантириш концепциясини қабул қилиш. <i>Масъуллар: “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)</i>	2019 йил июнь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (А.Султонов)	ҳар чоракда
1.1.	Электротехника саноати соҳасидаги хорижий тажриба ва миллий қонунчиликни таҳлил қилиш, тармоқни жадал ривожлантиришга тўсик бўлаётган муаммоларни аниқлаш. <i>Масъуллар: “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов)</i>	2019 йил июнь	2019 йил июль	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)	2019 йил июль
1.2.	Маҳаллий ва хорижий мутахассис ҳамда экспертларни жалб қилган ҳолда электротехника ва электромаиший маҳсулотлар таннархини пасайтиришни, бутловчи қисм ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни босқичма-босқич маҳаллийлаштиришни, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни назарда тутувчи 2020–2030 йилларда электротехника саноатини ривожлантириш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқиш. <i>Масъуллар: “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов)</i>	2019 йил июль	2019 йил октябрь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)	2019 йил октябрь
1.3.	Концепция лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. <i>Масъул: Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов)</i>	2019 йил октябрь	2019 йил ноябрь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)	2019 йил ноябрь
1.4.	Концепция лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. <i>Масъул: Вазирлар Маҳкамаси (А.Султонов)</i>	2019 йил ноябрь	2019 йил декабрь	Президент Администрацияси (Г.Саидова)	2019 йил декабрь

2.	Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибini белгилаш. <i>Масъул: Молия вазирлиги (Д.Султонов)</i>	2019 йил июнь	2019 йил август	Вазирлар Маҳкамаси <i>(Ж.Қўчқоров)</i>	2019 йил август
2.1.	Вазирлар Маҳкамасининг Электротехника саноатини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибini тасдиқлашни назарда тутувчи қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. <i>Масъуллар: Молия вазирлиги (Д.Султонов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i>	2019 йил июнь	2019 йил июнь	Молия вазирлиги <i>(Ж.Қўчқоров)</i>	2019 йил июнь
2.2.	Қарор лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. <i>Масъул: Молия вазирлиги (Д.Султонов)</i>	2019 йил июнь	2019 йил июль	Молия вазирлиги <i>(Ж.Қўчқоров)</i>	2019 йил июль
2.3.	Қарор лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. <i>Масъул: Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров)</i>	2019 йил июль	2019 йил август	Президент Администрацияси <i>(Г.Саидова)</i>	2019 йил август
2.4.	Қарор лойиҳасини қабул қилиш. <i>Масъул: Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров)</i>	2019 йил август	2019 йил август	Вазирлар Маҳкамаси <i>(А.Арипов)</i>	2019 йил август
3.	Электротехника саноати тармоғидаги мутахассис кадрларнинг маҳаллий ва хорижий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши, тажриба алмашиши, шунингдек етакчи корхона ва ташкилотларда стажировка ўташини ташкил этиш. <i>Масъуллар: “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)</i>	2019 йил июнь	2021 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси <i>(А.Абдуҳакимов)</i>	ҳар чоракда
3.1.	Электротехника саноати тармоғидаги мавжуд кадрлар салоҳиятини ўрганиш, унинг натижаси бўйича маҳаллий ва хорижий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши, тажриба алмашиши, шунингдек етакчи корхона ва ташкилотларда стажировка ўташи учун таклиф этилаётган кадрлар рўйхатини шакллантириш. <i>Масъуллар: “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев), Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов)</i>	2019 йил июнь	2019 йил сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси <i>(А.Абдуҳакимов)</i>	2019 йил сентябрь

3.2.	<p>Кадрларнинг хорижда малака ошириши, тажриба алмашиши ва стажировкалар ўташи учун: хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда етакчи корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ўрнатиш; донор мамлакатлар, халқаро, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг бегараз техник кўмагини (грантларини) жалб этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. <i>Масъуллар: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (М.Холмухамедов), Ташқи ишлар вазирлиги (И.Неъматов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Бекенов), Молия вазирлиги (Д.Султонов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i></p>	2019 йил июнь	2019 йил октябрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов)	2019 йил октябрь
3.3.	<p>Кадрларнинг маҳаллий ва хорижий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши, тажриба алмашиши, шунингдек етакчи корхона ва ташкилотларда стажировка ўташи режа-жадвали ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлаш. <i>Масъуллар: Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов), Инновацион ривожланиш вазирлиги (И.Абдурахмонов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i></p>	2019 йил октябрь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (А.Абдуҳакимов)	2019 йил декабрь
3.4.	<p>Тасдиқланган рўйхат ва режа-жадвалга асосан кадрларнинг маҳаллий ва хорижий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида малака ошириши, тажриба алмашиши ва стажировкалар ўташини ташкил этиш. <i>Масъул: “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i></p>	2020 йил январь	2021 йил декабрь	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (И.Мажидов)	ҳар чоракда
II. Электротехника саноати тармоғини хом ашё билан таъминлаш ва уларни чуқур қайта ишлаш					
4.	<p>Электротехника саноати тармоғида мис хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, шу жумладан уларни: 2019 йилда – 44 минг тоннага; 2020 йилда – 49 минг тоннага; 2021 йилда – 55 минг тоннага етказиш чораларини кўриш. <i>Масъул: Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)</i></p>	2019 йил июнь	2021 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (А.Султонов)	ҳар чоракда
4.1.	<p>Ички бозорда реализация қилинадиган мис ҳажмини ошириш чораларини кўриш ва мисни биржа савдоларига электротехника саноати тармоғи корхоналарининг ҳақиқий эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда барқарор кўйиб бориш механизминини жорий этиш. <i>Масъуллар: Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н.Шарипов) “Олмалиқ кон металлургия комбинати” АЖ (А.Хурсанов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i></p>	2019 йил июнь	2019 йил июнь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)	2019 йил июнь

4.2.	<p>“Uzkabel”, “Андижонкабель”, “Techno Cable” ва “Metal Processing Technology” корхоналарида кабель ҳамда мис маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва кўшимча қувватлар яратиш бўйича 5 та лойиҳанинг амалга оширилишига кўмаклашиш ва ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш.</p> <p><i>Масъуллар: “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов)</i></p>	2019 йил июнь	2019 йил декабрь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)	2019 йил август, октябрь, декабрь
4.3.	<p>Мисни чуқур қайта ишлаш ва юқори кўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар (электротехника ва бошқа саноат тармоқларида) ишлаб чиқариш бўйича кўшимча қувватлар яратиш мақсадида янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш учун салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш.</p> <p><i>Масъуллар: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Бекенов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i></p>	2019 йил июнь	2021 йил декабрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов)	ҳар чоракда
5.	<p>Электротехника саноати тармоғи корхоналарини маҳаллий полиэтилен, полипропилен ва трансформатор мойи билан таъминлаш даражасини ошириш.</p> <p><i>Масъуллар: Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев), Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов)</i></p>	2019 йил июнь	2019 йил июнь	Вазирлар Маҳкамаси (А.Султонов)	2019 йил июнь
5.1.	<p>Ички бозорда реализация қилинадиган полиэтилен ҳажмини кўшимча равишда 30 минг тоннага ошириш, шунингдек йилига камида 4 минг тонна трансформатор мойини биржа савдоларига қўйиб боришни ташкил этиш.</p> <p><i>Масъуллар: “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Б.Сидиқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов)</i></p>	2019 йил июнь	2019 йил июнь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)	2019 йил июнь
5.2.	<p>Полиэтилен, полипропилен полимери ва трансформатор мойини биржа савдоларига маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳақиқий эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда барқарор қўйиб бориш механизминини жорий этиш.</p> <p><i>Масъуллар: Масъуллар: Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов), Монополияга қарши курашиш қўмитаси (Н.Шарипов), “Ўзбекнефтгаз” (Б.Сидиқов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i></p>	2019 йил июнь	2019 йил июнь	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)	2019 йил июнь
6.	<p>Электротехника саноати тармоғида маҳаллий хом ашёларни қайта ишлашни кенгайтириш мақсадида ПВХ, металл лист ва полистирол ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни жадаллаштириш.</p> <p><i>Масъуллар: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)</i></p>	2019 йил июнь	2019 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (А.Султонов)	2019 йил июль, ноябрь

6.1.	<p>Қуйидаги лойиҳаларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш ва ўз вақтида ишга туширилишини таъминлаш: “Навоий азот” АЖнинг йилига 100 минг тонна ПВХ ишлаб чиқариш лойиҳаси; “Тошкент металлургия заводи” АЖнинг йилига 500 минг тонна металл лист ишлаб чиқариш лойиҳаси. <i>Масъуллар: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Бекенов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов), “Ўзкимёсаноат” АЖ (О.Темиров)</i></p>	<p>2019 йил июнь 2019 йил июнь</p>	<p>2019 йил август 2019 йил декабрь</p>	<p>Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (<i>С.Умурзоқов</i>)</p>	<p>ҳар ойда</p>
6.2.	<p>Республикада полистиролга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилиш, уни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш истиқбол ва имкониятларини ўрганиш, натижаси бўйича истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. <i>Масъуллар: “Ўзкимёсаноат” АЖ (О.Темиров), “Ўзбекнефтгаз” АЖ (Б.Сидиқов), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Бекенов)</i></p>	<p>2019 йил июнь</p>	<p>2019 йил сентябрь</p>	<p>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б.Хўжаев</i>)</p>	<p>2019 йил сентябрь</p>
III. Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш					
7.	<p>Электротехника саноатида тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш. <i>Масъуллар: Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i></p>	<p>2019 йил июнь</p>	<p>2020 йил июнь</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси (<i>А.Султонов</i>)</p>	<p>ҳар чоракда</p>
7.1.	<p>Электротехника саноати тармоғида ва бошқа саноат тармоқларида ишлатиладиган импорт эҳтиёт қисм, бутловчи буюм, асбоб-ускуна ва материалларни ўрганиш, уларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тегишли корхоналар талабларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқариш имкониятларини таҳлил қилиш. <i>Масъуллар: Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов), Давлат божхона қўмитаси (А.Асамов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i></p>	<p>2019 йил июнь</p>	<p>2019 йил сентябрь</p>	<p>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б.Хўжаев</i>)</p>	<p>2019 йил сентябрь</p>
7.2.	<p>Электротехника, энергетика, автомобилсозлик саноати тармоқлари ҳамда қурилиш, ахборот технологиялари ва бошқа соҳалар ўртасида ўзаро кооперацияни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бўйича чоратadbирлар режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. <i>Масъуллар: Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев), манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари</i></p>	<p>2019 йил сентябрь</p>	<p>2020 йил июнь</p>	<p>Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (<i>Б.Хўжаев</i>)</p>	<p>ҳар чоракда</p>

8.	Импорт ўрини босувчи электротехника ва электромаиший маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш ва уларни ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар яратиш. <i>Масъуллар: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)</i>	2019 йил июнь	2020 йил декабрь	Вазирлар Маҳкамаси (Э.Ғаниев)	ҳар чоракда
8.1.	Маҳаллий ишлаб чиқарилаётган ва импорт қилинаётган электротехника ҳамда электромаиший маҳсулотларни уларнинг турлари, импорт ҳажмлари ҳамда ушбу маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжни ўрганиш ва таҳлилий маълумотнома тайёрлаш. <i>Масъуллар: Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов), Давлат божхона қўмитаси (А.Асамов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i>	2019 йил июнь	2019 йил август	Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (Б.Хўжаев)	2019 йил август
8.2.	Маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни кенгайтириш тавсия этилаётган маҳсулот турлари бўйича янги ишлаб чиқариш қувватларини яратишга қаратилган истиқболли инвестиция лойиҳаларини (таклифларини) ишлаб чиқиш. <i>Масъуллар: “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Бекенов), Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги (У.Салимов)</i>	2019 йил август	2019 йил сентябрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов)	2019 йил сентябрь
8.3.	Ишлаб чиқилган истиқболли инвестиция лойиҳа ва таклифларини салоҳиятли маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилган ҳолда амалга оширишни ташкил этиш. <i>Масъуллар: Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Бекенов), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i>	2019 йил сентябрь	2020 йил декабрь	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (С.Умурзоқов)	ҳар чоракда
9.	Давлат харидлари амалга оширилишида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга нисбатан 20 фоизгача нарх преференциясини қўллаш механизминини жорий этиш. <i>Масъул: Молия вазирлиги (Д.Султонов)</i>	2019 йил июнь	2019 йил сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров)	2019 йил сентябрь
9.1.	“Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига импорт маҳсулотлар етказиб берувчилар билан бирга маҳаллий ишлаб чиқарувчи(лар) иштирок этган тақдирда маҳаллий ишлаб чиқарувчи(лар)га нисбатан 20 фоизгача нарх преференциясини қўллашни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. <i>Масъул: Молия вазирлиги (Д.Султонов)</i>	2019 йил июнь	2019 йил июнь	Молия вазирлиги (Ж.Қўчқоров)	2019 йил июнь

9.2.	Қонун лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда Вазирлар Маҳкамасига киритиш. <i>Масъул: Молия вазирлиги (Д.Султонов)</i>	2019 йил июнь	2019 йил июль	Молия вазирлиги <i>(Ж.Қўчқоров)</i>	2019 йил июль
9.3.	Қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. <i>Масъул: Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров)</i>	2019 йил июль	2019 йил август	Президент Администрацияси <i>(Б.Мавлонов)</i>	2019 йил август
9.4.	Қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш. <i>Масъул: Вазирлар Маҳкамаси (Ж.Қўчқоров)</i>	2019 йил август	2019 йил сентябрь	Вазирлар Маҳкамаси <i>(А.Арипов)</i>	2019 йил сентябрь
10.	Республика ҳудудига электротехника ва электромаиший маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб киришнинг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш. <i>Масъул: Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов)</i>	2019 йил июнь	2019 йил июнь	Вазирлар Маҳкамаси <i>(Э.Фаниев)</i>	2019 йил ноябрь
10.1.	Республика ҳудудига электротехника ва электромаиший маҳсулотларни ноқонуний равишда олиб кириш ҳолатларини, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни таҳлил қилиш, ушбу ҳолатларнинг олдини олиш соҳасидаги хорижий тажрибани ўрганиш. <i>Масъуллар: Давлат божхона қўмитаси (А.Асамов), Давлат солиқ қўмитаси (М.Мирзаев), “Ўзэлтехсаноат” уюшмаси (А.Абдуллаев)</i>	2019 йил июнь	2019 йил июнь	Давлат божхона қўмитаси <i>(М.Азимов)</i>	2019 йил июнь
